

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДОВ МИРОЛИМБЕК МАНСУР ЎҒЛИ

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТЎҚИМА
(МАШРАБ ОБРАЗИ МИСОЛИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

УЎК: 821.512.133.09-31

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Хамидов Миролимбек Мансур ўғли

Ўзбек адабиётида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима (Машраб образи
мисолида).....3

Hamidov Mirolimbek Mansur o'g'li

Historical reality and artistic fiction in Uzbek literature
(on the example of the image of Mashrab).....27

Хамидов Миролимбек Мансур ўғли

Историческая действительность и художественный вымысел в узбекской
литературе (на примере образа Машраба).....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....53

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДОВ МИРОЛИМБЕК МАНСУР ЎҒЛИ

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТЎҚИМА
(МАШРАБ ОБРАЗИ МИСОЛИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

**Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2021.3.PhD/Fil.1964 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Сабирдинов Акбар Ғафурович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна
филология фанлари доктори

Пардаева Зулфия Джураевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари буйича илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “22” 02 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кучаси, 19, Тел: (0573) 244-44-29; факс: (0573) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz) Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (148 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кучаси, 19, Тел: (0573) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил “07” 02 куни тарқатилди. (2022 йил “07” 02 даги 42 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., доцент.

З.Б.Кобилова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раис Уринбосари, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима масаласини ўрганишда ёзувчи дунёқараши, ёндашув услуби, билим даражаси муҳим ҳисобланади. Тарихий асарлардаги тарихий шахслар талқинида эса ҳаққонийлик, ҳаётийлик, жонлилик бирламчи мезонлардир. Тарихий ҳақиқат ва бадий тўқиманинг тарихий қаҳрамон ва давр талқинидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ёритиш орқали ёзувчи услуби, бадий маҳоратига хос жиҳатларни кўрсатиб бериш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида тарихий давр, тарихий шахс тасвирида тарихий ҳақиқат ва бадий тўқиманинг ёзувчи услуби, маҳорати билан боғлиқ масалаларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Ижтимоий-маънавий муҳит, адабий жараён ва ижодкор дунёқарашининг тарихий қаҳрамон талқинидаги ўрни адабиётшунослик соҳасида ўрганилиши зарур бўлган илмий-назарий масалалар ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон барпо этилаётган ҳозирги жараёнда мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати ўзбек адабиётида буюк мутафаккир аждодларимиз ижодини ҳаққоний, холис ўрганиш, улар адабий меросини тўлиқ ҳолда халқимизга қайтариш заруратини тақозо қилмоқда. “Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги юксак босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан – миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу улуғ мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш, очиқ демократик жамият қуриш, ҳаётимизда миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини биз яхши англаймиз. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўпқиррали бу мавзунини бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш, ўйлайманки, катта аҳамиятга эга”¹. Шунингдек, адабиётшуносликда буюк аждодларимиз фаолиятига оид муайян воқеа-ҳодисаларни, таржимаи ҳолига оид маълумотларни, шахс ва ижодкор сифатидаги қиёфасини бадий акс эттиришнинг нечоғлик тарихий ҳақиқатга мослигини ёритиш ҳамда бу борадаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон

¹ Мирзиёев Ш. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқора конференция иштирокчиларига. – 2018 йил 7 август // Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 339.

“Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида бадий асарда тарихий ҳақиқат, тарихий шахс ва воқелик масалалари В.Жирмунский, Д.Лукич, А.Ковалев, М.Мейлах, Г.Поспелов, Б.Томашевский, М.Храпченко, Л.Тимофеев, А.Т.Цейтлин, П.Медведев² тадқиқотларида ёритилган.

Бадий асарда тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима, тарихийлик ва бадий талқин масалалари Ҳ.Абдусаматов, Ҳ.Каримов, Э.Мусурмонов, А.Тангиоров, О.Акбаров, Ф.Темиров, Ҳ.Каримов, А.Носиров, Қ.Кубаев, М.Ҳамраева, М.Тожибоева³ илмий ишлари ва диссертацияларида тадқиқ этилган.

² Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. –Л.: Наука, 1977. –404 с.; Лукич Д. Теория романа. –Варшава, 1963; Ковалев А.Г. Психология литературного творчества. –Л.: ЛГУ, 1960. –438 с.; Мейлах М.Б. Талант писателя и процессы творчества. –Л., 1969. – 478 с.; Поспелов Г. Теория литературы. Поэтика. –М.–Л.: Наука, 1970. –266 с.; Храпченко М.Б. Художественное творчество. Действительность, человек. –Москва: Сов. писатель, 1976. – 367 с.; Тимофеев Л. Основы теории литературы. –Москва: Просвещение, 1966. –748 с.; Цейтлин А.Т. Труд писателя.–Москва, 1968. –188с.; Медведев П. В. лабораторий писателя. –Москва, 1971.

³ Абдусаматов Ҳ. Тарих ва бадий талқин. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – 184 б.; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар): Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1994. – 320 б.; Мусурмонов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини: Фил. фан. номз... дисс. – Самарқанд, 1995. – 138 б.; Тангиоров А. Ҳозирги замон дostonчилигида тарихий воқелик ва шахс талқини: Фил. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1995. – 142 б.; Акбаров О. Комил Икромов ижодида тарихийлик ва замонавийлик: Фил. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1997. – 134 б.; Темиров Ф. Бадий ҳақиқатнинг ижтимоий-эстетик табиати. – Тошкент, 1986. – 22 б.; Каримов Ҳ. Тарихий шахс ва бадий образ: Фил. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – 151 б.; Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадий талқини (“Юлдузли тунлар” романи мисолида): Фил. фан. номз... дисс. –Тошкент, 1999. – 127 б.; Кубаев Қ. Ўзбек кинсаларида тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат (60-80-йиллар): Фил. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2001. – 32 б.; Ҳамраева М. Тарихий ҳақиқат ва бадий талқин: Фил. фан. номз... дисс. – Термиз, 2010. – 137 б.; Tojiboyeva M. Milliy uygʻonish davri oʻzbek adabiyoti. – Toshkent: MUMTOZ SOʻZ, 2017. – 206 b.

Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор таржимаи ҳолининг тарихийликдаги ўрни масалалари И.Султонов, М.Қўшжонов, Н.Каримов, Б.Назаров, А.Алиев, П.Шермухаммедов, Т.Бобоев, Ҳ.Қодирий, И.Ғафуров, Б.Саримсоқов, А.Раҳимов, Ҳ.Каримов, Й.Солижонов, Ҳ.Умуров, Н.Раҳимжонов, А.Каттабеков, Д.Қуронон, Д.Тўраев, У.Тўйчиев, А.Сабирдинов, У.Ўлжабоев, У.Қосимов, Б.Каримов⁴ сингари адабиётшунослар тадқиқотларида ўрганилган.

XX аср адабиётшунослигида Машраб таржимаи ҳоли ва ижоди В.П.Вяткин, А.Фитрат, О.Шарафиддинов, А.Ҳайитметов, Ғ.Ғулум, П.Шамсиев, В.Зоҳидов, П.Қаюмий, А.Абдуғафуров, В.Абдуллаев, М.Зокиров, Ш.Зуннун, Ж.Юсупов, П.Равшанов, А.Халилбеков, М.Ҳошимхонов, Д.Ҳамроева, И.Абдуллаев, Р.Норматова, А.Холмирзаев, А.Жуманазаров⁵ каби олимлар ишларида тадқиқ этилган.

⁴ Султонов И. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 408 б.; Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. –Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. –232 б.; Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари // Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Фан, 1991. –Б. 299-382; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O‘ZBEKISTON, 2008. – 536 б.; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Шарқ, 2004. –224 б.; Алиев А. Ижод ва изланишлар. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. –180 б.; Шермухаммедов П. Ижод дарди. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –220 б.; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. –560 б.; Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –224 б.; Ғафуров И. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2017; Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Фан, 2008. –128 б.; Раҳимов А. Романинг тархи. Ҳ.Каримов. Лирик проза. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – 32 б.; Й.Солижонов. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. –228 б.; Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. –256 б.; Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008; Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1982. –228 б.; Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. – 288 б.; Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004; Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 512 б.; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. –Тошкент: Akademnasn, 2016. -144 б.; Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –376 б.; Носиров У. Образларда услуб жилолари. – Тошкент: Фан, 1991. –220 б.; Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. –Тошкент: ЎЗМУ кутубхонаси нашриёти, 2008; Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – 88 б.

⁵ Вяткин.В.Л. Ферганский мистик Девонаи Машраб // Сборник Туркистанского Восточного института в честь проф. А.Э.Шмидга. – Ташкент, 1923. – С. 28; Абдурауф Фитрат. Машраб // Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 83; О.Шарафиддинов. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси (XV–XIX асрлар). Олий педагогика ўқув юртлари учун. 2-жилд. – Тошкент: Ўздавнашр, 1945. – Б. 115; Ҳайитметов А. Бобораҳим Машраб // Машраб (Танланган шеърларга ёзилган сўзбоши). – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1958. – Б. 5; Ғафур Ғулум. Икки Машраб // Қизил Ўзбекистон. 1959 йил 12 июль; Ғафур Ғулум. Адабий-танқидий мақолалар. 8-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 276-284; Ўзбек адабиёти. 3-жилд // Машраб ҳақидаги маълумот ва унинг шеърларидан намуналарни Парсо Шамсиев тайёрлаган. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959. – Б. 303; В.Зоҳидов. Ўзбек классик адабиёти тарихининг асосий масалалари // Ўзбек адабиёти. 1-жилд. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959. – Б. 11; Қаюмий П. Тазкираи Қаюмий. – Тошкент: 1998. – Б. 63; А.Абдуғафуров. Эрк ва эзгулик куйчиси. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 122; А.Абдуғафуров. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – Б. 151; В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 46; Зуннун Ш. Машраб ҳақида янги афсоналар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1969. – № 5. – Б. 53-57; Юсупов Ж. Ҳақиқий Машрабни излаб // Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 360; Юсупов Ж. Уни девонаи Машраб дерлар // Машраб. Девон. – Тошкент: “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 1919. – Б. 8-25; Равшанов П. Талабгори ҳақиқат бўл // Қашқадарё ҳақиқати. – 1992 йил, 15-18 февраль; Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Т.: Рухафзо, 1998. – 174 б.; Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзим. – Т.: Шарқ, 2002. – 144 б.; Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси (маъно, образ ва истилоҳ мисолида). Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2004. – 156

Бадиий адабиётда Машраб образининг талқини масаласи М.Жўраев, С.Рафиддинов, Б.Дўсқораев, И.Ёқубов, Э.Мусурмонов, Р.Содиқова⁶ларнинг мақола ва монографияларида, илмий тадқиқотларида таҳлил қилинган.

Профессор М.Жўраев, филология фанлари номзоди С.Рафиддиновнинг “Қиссаи Машраб” асари хусусидаги мақоласида Машраб образининг халқ қиссалари ва китобларидаги талқини таҳлил этилган бўлса, филология фанлари номзоди, доцент Б.Дўсқораев, филология фанлари доктори И.Ёқубовнинг мақолаларида Шухратнинг “Машраб” романидаги Машраб образи билан боғлиқ тарихий ҳақиқат, бадиий тўқимага доир ютуқлар ҳамда камчиликлар ёритиб берилган. Филология фанлари номзоди, доцент Э.Мусурмонов монографиясида Машраб образининг халқ қиссаларидаги талқини, улардаги тарихий шахслар, давр воқелиги масалаларини ўрганишга эътибор қаратилган. Тадқиқотчи Р.Содиқовнинг мақоласида эса Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Али (“Машраб”) ҳамда Тўлан Низомнинг (“Рухи равоним”) дostonларидаги Машраб образлари талқинидаги ўзига хосликлар, улардаги ютуқ ва камчиликлар қиёсий таҳлил этилган.

Юқоридагилардан кўринадики, ўзбек адабиётшунослигида Бобораҳим Машраб ҳаёти, ижоди ҳақидаги тадқиқотлар, мақолалар талайгина, лекин Машраб шахси, таржимаи ҳоли, яшаган даври акс этган бадиий асарлар таҳлили монографик йўсинда кенг ва атрофлича ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади XX аср ўзбек адабиётида Бобораҳим Машраб образи талқинини таҳлил этиш орқали тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқимадан фойдаланишдаги ижодкорлар услуби, маҳоратига хос жиҳатларни ёритиш ҳамда бу давр адабиётининг тараққиёт тенденцияларини белгилашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек халқ китоблари ва қиссаларида Машраб образи талқинини таҳлил этиш орқали тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг асар адабий-эстетик таъсирчанлигини таъминлашдаги ўрнини очиб бериш;

XX аср ўзбек ҳикоячилигида Машраб образи тасвирида бадиий услуб ва маҳорат хилма-хиллигини ёритиш;

б.; Абдуллаев И. Мерос ва талқин. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 211; Норматова Р. Машраб шеърини ва халқ оғзаки ижоди: фил.фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.; Холмирозев А. Қафасдаги шеър наъраси // Тафаккур. – 2015. – № 3. – Б. 92; Жуманазаров А. Машраб: муаммо ва ечимлар. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – 224 б.

⁶ Жўраев М., Рафиддинов С. “Қиссаи Машраб” хусусида // Қиссаи Машраб. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б. 3-6; Дўсқораев Б. Ўзбек насрида Машраб тимсолининг яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар // Муस्ताқиллик даври адабиёти. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 196-211; Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз кудрати // Тил ва адабиёт таълими. – 2008. – № 3. – Б. 12-22; Мусурмонов Э. Раҳимбобо Машраб ҳақида янги маълумотлар. Монография. – Самарқанд, 2015. – 161 б.; Содиқова Р. Тарихий шахс талқини ва руҳий тасвир имкониятлари // Шарқ юлдузи. – 2000. – № 1. – Б.150-153.;

Ўзбек шеърлятида иждокор эстетик идеали, дунёқарашы, ниятининг Машраб қиёфасы талқини билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаш;

Ўзбек романчилигида Машраб, унга ёндош бошқа персонажлар талқинидаги тарихий ва бадиий ҳақиқат масалалари тадқиқи орқали давр, қахрамон тасвиридаги услубий ранг-барангликни, бадиият муаммоларини, маънавий-руҳий изланишларни асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида Машраб образы акс этган Ойбек, О.Матжон, А.Обиджон, М.Али, М.Мирзо, Т.Низом шеър ва дostonлари, М.Осим, И.Ғафуров, Ш.Жаббор қисса ва ҳикоялари, Ҳ.Ғулом, Шухрат, Х.Бегматов романлари ҳамда халқ қиссалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Машраб образы акс этган XX аср ўзбек шеърляти намуналары, ҳикоя, қиссалари ҳамда романларида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг Машраб образы талқинидаги ўрни ва аҳамиятини ёритиш орқали янги ўзбек адабиёти тараққиёт босқичларини кўрсатиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва биографик таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ қиссалари, китобларида Бобораҳим Машраб образы талқинида тарихий ҳақиқатдан кўра бадиий тўқиманинг устунлик қилиши халқнинг дунёқарашы, тафаккур тарзы, ижтимоий-сиёсий шароит, ижтимоий-руҳий, маданий-маърифий омиллар билан боғлиқлиги аниқланган;

ўзбек қисса ва ҳикояларида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқимага мурожаат қилиш ёзувчи дунёқарашы, маҳорат даражасы ҳамда услуби, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва адабий муҳит билан боғлиқлиги турли авлод иждокорлары асарлары мисолида исботланган;

ўзбек шеърлятида иждокор учун Машраб образы даврнинг долзарб муаммолари, адабий-эстетик қарашлары, иждодий кредосы талқинида восита бўлганлиги асосланган;

ўзбек романчилигида Машраб таржимаи ҳоли, қиёфасы, сажиясы билан боғлиқ тасвирлар, унинг даври, унга ёндош бошқа персонажлар талқинида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқимадан фойдаланишдаги иждокорлар услубидаги хилма-хиллик, шунингдек, ушбу образ тасвирида ёзувчи яшаган ижтимоий, сиёсий даврнинг таъсири масалалари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижасы қуйидагилардан иборат:

халқ қисса ва китобларидаги Машраб образы тасвирида бадиий тўқиманинг устунлиги, шунингдек, ушбу манбалар ёзма адабиётимизда ўлмас иждокор қиёфасыни гавдалантиришда асос вазифасыни ўтаганлиги, бўрттириб тасвирлаш халқимизнинг улуғ шоирига меҳр-муҳаббаты ифодасы эканлиги асосланган;

XX аср ўзбек қисса ва ҳикояларида тарихий ҳақиқатга асосланган реалистик тасвир усули (М.Осим иждодида), тарихий асарда бадиий ҳақиқатни ярата олиш (И.Ғафуров иждодида), халқ қисса ва китоблары

таъсиридаги бадий тўқиманинг етакчилик қилиши (Ш.Жаббор ижодида) масалалари исботланган;

Ўзбек шеър ва дostonларида тарихий ҳақиқатнинг Машраб қиёфаси ва сажияси, бадий тўқиманинг у билан боғлиқ воқеалар талқинидаги муҳим ўрни ва аҳамияти қатор ижодкорларнинг асарлари таҳлилида кўрсатиб берилган;

Ўзбек романларида Машраб ва унга ёндош персонажлар, унинг яшаган даври, улуғ шоир таржимаи ҳоли билан боғлиқ воқеалар тасвирида портрет, пейзаж, бадий деталь, тасвирий ифода ва воситаларнинг ўрни, аҳамияти турли ижодкорлар асарларини қиёсан таҳлил этиш орқали ўрганиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, илмий муаммонинг ўрганилиш чегараларининг аниқ белгиланганлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танланган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мослиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва биографик таснифлаш ва тавсифлаш воситасида олиб борилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги таҳлил жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти ва янги ўзбек адабиёти табиатидан келиб чиқарилганлиги, натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган хулосалардан замонавий ўзбек насри тараққиёт тамойиллари ва босқичларини аниқлашда, тарихий ва бадий ҳақиқат муносабатини ёритишда, ўзбек мумтоз адабиёти, замонавий ўзбек насри тараққиёт қонуниятларини, ХХ-ХХІ аср адабиёти бадий-эстетик табиати масалаларини, адабиёт тараққиётида алоҳида босқич сифатидаги хусусиятларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Ўзбек адабиёти тарихи”, “ХХ аср ўзбек адабиёти”, “Бадий таҳлил асослари”, “Адабиётшунослик назарияси” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар, ўзбек шеърляти ва насрига оид махсус курс, семинарлар ташкил қилишда ҳамда олий таълим муассасалари, ўрта махсус ва умумтаълим мактаблари учун ўқув адабиётлари тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек адабиётида Машраб образи талқинида тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима мавзусининг кўлами, бадиияти муаммоларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек шеърлятида ижодкор учун Машраб образи даврнинг долзарб муаммолари, адабий-эстетик қарашлари, ижодий кредоси талқинида восита бўлганлиги тўғрисидаги илмий натижаларидан Фарғона вилоят ҳокимлигининг И–2013 №-57 рақамли “Ижтимоий экология муаммолари” номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фарғона вилояти

хокимлигининг 2021 йил 6 июлдаги 06-06/5053-сон маълумотномаси). Натижада “Ижтимоий экология муаммолари” монографиясининг илмий-назарий хулосалари мукаммаллашди;

халқ қиссалари, китобларида Бобораҳим Машраб образи талқинида тарихий ҳақиқатдан кўра бадий тўқиманинг устунлиги, халқнинг дунёқараши, тафаккур тарзи, ижтимоий шароит, руҳий-маърифий омиллар билан боғлиқлиги, ўзбек романчилигидаги Машраб таржимаи ҳоли, қиёфаси, сажияси билан боғлиқ тасвирлар, давр ва Машрабга ёндош бошқа персонажлар, тарихий ҳақиқат ва бадий тўқимадан фойдаланишдаги ижодкорлар услубидаги хилма-хиллик, шунингдек, ёзувчи яшаган ижтимоий-сиёсий даврнинг таъсири масалалари билан боғлиқ далиллардан 2018-2020 йилларда ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф-1.005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 26 ноябрдаги № 17.02/275-сон маълумотномаси). Натижада Республика ва чет элларда чоп этилган илмий мақолаларда келтирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялари, тадқиқот натижалари, ўзбек адабиётида тарихий ҳақиқат ва бадий тўқиманинг ҳолати ва функционал хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ вазифалар ижросининг таъминланиши, ўзбек адабиётида тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима тўғрисидаги хулосаларнинг ёритилиши ҳамда лойиҳанинг фольклор жанрига оид бўлимларининг назарий ва амалий жиҳатлари бойиган;

ўзбек қисса ва ҳикояларида тарихий ҳақиқат ва бадий тўқимадан фойдаланиш ёзувчи дунёқараши, маҳорат даражаси ва услуби, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва адабий муҳит билан боғлиқлиги турли авлод ижодкорлари асарлари мисолида исботланганлигидан Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорлари тўғараги семинарида, 2019-2020 йилларда амалга оширилган “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти” Анталогия-хрестоматиясининг фольклор жанрига оид бўлимларини тузишда муҳим назарий ва амалий манба сифатида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасининг 2021 йил 29 ноябрдаги № 150-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорлари семинарлари ва Анталогия-хрестоматиянинг фольклорга оид бўлимининг илмий-назарий савияси ошган;

Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2020-2021 йилларда эфирга узатилган “Маънавият сарчашмаси”, “Адабий муҳит”, “Қадрият” кўрсатувларида ҳамда “Маънавият – қалб кўзгуси” радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 августдаги 12-02/109-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далиллар

билан маънавий-маърифий ва бадий жихатдан бойиган ҳамда халқчиллиги ортган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та республика 4 та халқаро конференцияларда маърузалар кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 170 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек насрида тарихийлик ва бадийлик”** деб номланган биринчи бобининг **“Халқ китобларида Бобораҳим Машраб тасвири”** таҳлиliga бағишланган дастлабки фаслида халқ насри намуналаридаги турли ривоят ва қиссалар орқали Бобораҳим Машраб образи унинг асарлари иловаси билан уйғунликда етиб келганлиги ўрганилган. Ушбу наср намуналари **“Қиссаи Машраб”, “Девонаи Машраб”, “Шоҳ Машраб”, “Ғазали эшони шоҳ Машраб”, “Эшон Машраб”, “Эшони шоҳ Машраб”, “Эшони шоҳ Машраб девонаи Намангоний”, “Мухаммаси шоҳ Машраб”, “Қиссаи шоҳ Машраб”** тарзда номланган. Халқ китобларидаги Машраб нуктадонлиги, ҳозиржавоблиги, топқирлиги, теран фикрлаши билан устозларини ҳам ҳайратга солган шахсдир. Масалан, 1886 йил 15 ноябрда Тошкентда чоп этилган нусха асосидаги **“Шоҳ Машраб қиссаси”**⁷га муқаддима ёзган Маҳмуд Ҳасаний ушбу асарнинг муаллифи номаълум эканлигини, баъзи олимлар Бобораҳим Машрабга ҳамроҳ бўлган Пирмат Сеторий ёки дўсти Исҳоқ Боғистоний ёзган деб тахмин қилишларини таъкидлайди. Тадқиқотда халқ қиссаларидаги Машраб таржимаи ҳоли билан боғлиқ воқеалардаги ўхшаш ва фарқли жихатлар таҳлил этилган. Уларнинг баъзилари ёзма адабий манбалар учун асос бўлганлиги кўрсатиб берилган.

⁷ Шоҳ Машраб қиссаси. – Тошкент: “Шарқ”, 1991.

Албатта, “Шоҳ Машраб қиссаси”, “Қиссаи Машраб”⁸, “Қиссаи Шоҳ Машраб”⁹ каби халқ насри намуналари тўла ҳолда Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодига оид тарихий-биографик манба вазифасини бажара олмайди, лекин уларда ҳассос, оташнафас ижодкор фикрий олами, дунёқараши, яшаган даври манзараларини ўзида акс эттирган муҳим ўринларнинг мавжудлиги мазкур асарларнинг илмий-назарий аҳамият катта эканлигини кўрсатади. Биз бу асарларда ўзи ҳаёт пайтидаёқ дилбар ижоди ҳофизларнинг севимли кўшиғига айланган, ажабтовур ҳаёт йўлига эга соҳиби ишқ, икки жаҳонга сифмаган қаландар, азиз қадамжолар, муқаддас остоналарни муттасил зиёрат қилиб тиксўзлиги, ғайритабиий хатти-ҳаракатлари билан ўзгаларнинг ҳайрати ва муҳаббатига эришган бузруквор шоир қиёфасини кўрамиз. Маълумки, ўзбек халқ қиссаларида тарихий шахслар билан тўқима образлар уйғунликда ифодасини топади. Албатта, уларда бўрттирма талқин етакчилик қилади. Б.Файзиев Ойбекнинг “Навоий” романидаги Султонмурод образи ҳақида тўхталар экан ёзади: “Олим Султонмурод образи тарихий заминдан ўсиб чиққанлиги туфайли кучлидир, унинг муҳаббати ишонарлидир, айтилган замонда унинг ёвуз, инсофсиз шахслар билан конфликтга кириши, уларга бўлган чексиз нафрати табиийдир”¹⁰.

Тадқиқотда халқ қиссаларида Машрабнинг келишган қиёфаси, умрини ҳақ ва ҳақиқатга етишиш учун сарфлаган, бунинг учун азият ва маломатларга ўзини онгли рўбарў этган, бу ўткинчи дунёнинг сохта обрўсидан, бойликларидан, манманликларидан юз ўгирган, нафратини сохтакорлик, разолат, зулм каби маънавий тубанликларга қарши қаратган, қолу ҳолдан хабардор каромат соҳиби, ўтда ёнмас, сувда чўкмас авлиё экани асосланган. И.Адизова Машраб ҳақидаги халқ оғзаки ижоди манбаларидага “алиф” ва “бе” ҳарфлари билан боғлиқ ривоятга тўхталар экан куйидагиларни таъкидлайди: “Бу ривоят бизни Машраб дунёқарашининг энг муҳим асрори билан ошно этади. У бутун борлиқни Оллоҳнинг зуҳури деб билишини, Оллоҳ битта, бошқа барча мавжудод унинг тажаллиси деб тушунишини англатади”¹¹. Диссертацияда Машрабнинг Мансур Ҳаллож қарашлари билан муштарак жиҳатлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Бобнинг “**Ҳикояларда Бобораҳим Машраб талқини**” деб номланган иккинчи фаслида Шукур Жабборнинг “Машраб”¹² ҳикоясида Машраб образи Аллоҳ васлига интилган, ҳақиқатгўй, исёнкор шахс экани халқ китобларидаги маълумотлар асосида талқинини топгани таҳлил этилган. Ҳикояда Машрабнинг деҳқон, Сўфи Оллоёр ва Эшон Шоҳид билан бўлган мулоқот ҳамда мунозараси ўзга мулкани эъзозловчи, ҳол илмининг эгаси, ўлимга тик борувчи, ғайб илмидан хабардор авлиё қиёфасини гавдалантириш ёритилган. Ҳикояда тўйхонада тажалли тушиб Машрабнинг оломон ғазабига

⁸ Қиссаи Машраб. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1992.

⁹ Қиссаи Шоҳ Машраб. – Тошкент: “Наврўз”, 2014.

¹⁰ Файзиев Б. “Навоий” романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 126-127.

¹¹ Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI–XIX аср I ярми). Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Фан”, 2009. – Б. 100.

¹² Шукур Жаббор. Машраб. Ҳикоя // “Китоб дунёси” газ., 2018 йил 28 ноябрь. - № 22 (287). – Б. 6.

учраши воқеаси тасвири орқали ғофил кимсалар фожеаси кинояга уйғун тасвирда ёритилади.

Ҳикоя воқеалари шундай яқунланади: “Тўй аҳлидан бўлган, ёнбошлаб олган бир кимса оғзидан чилим тутунини пуфлаб, тишлари орасидаги чала ютилмай қолган гўштни чайнаб: “Олиб чиқиб ташланг бу девонани!” деди.

Боягина мухлис бўлиб Машрабга эргашиб келганлар у зотни ташқарига уриб-судраб чиқардилар. Аввал ётқизволиб роса тепкилашди. Одамлар уришни ҳам мусобақага айлантирвордилар. Машраб эса кулиб “Жоним қурбон! Оҳ-оҳ жоним қурбон!” дердилар. Одамлар ургани сари бу зот кулишдан тўхтамасди... Ураётганлар бир-бирига қизиқиб урарди. Кейин кимнинг қўлига нима кирса ўша билан ура бошлади...”¹³. Ушбу ҳикоя Машрабни исёнкор, шу билан бирга ўз маслагига собит, Аллоҳ васлига интилган шахснинг қабартма тасвирини талқин этиш билан ўзига хосдир.

Иброҳим Ғафуровнинг “Қатлгоҳда ўйнаган бола” ҳикоясида Бобораҳимнинг жаҳонгашталиқка мойиллиги ҳамда тасаввуфий қарашлари шундай ифодаланади: “У ҳазрат Исо каби ҳеч маҳал бир ерда кўп тўхтаб қололмас, юрагини тўлдирган ҳислар ҳовлилар, уйлар, саройларга асло сиймас, унинг денгиз каби тўхтовсиз чайқалган ҳисларига фақат чексиз кенгликлар макон ва мақом бера оларди. Машраб Оллоҳнинг ҳидоят нури Мансур Ҳаллож каби ҳар нарсада ўзининг зуҳуроти, ўзининг жилвасини кўрарди. Олам жамики нарсалари билан Яратганнинг ишқида масту аласт бўлиб ётарди унинг назарида”¹⁴. Ҳикояда Абдували бобонинг ўқимишли, хаттот эканлигини тасвирлаш орқали Машрабнинг ҳассос, тасаввуфий сиймо бўлишида оилавий муҳит муҳим ўрин тутгани таъкидланади. Ретроспектив сюжет орқали Машраб отаси вафотидан кейин фотиҳага келган Панжшер ака воситасида йигирма беш йил аввалги воқеа, яъни икки севишганларни қатл этиш жараёни ёдга олинади. Ёзувчи ҳикояда тўқима воқелиқни бадий ҳақиқатга айлантира олади. Икки севишганларнинг фожеали тақдири Машраб қисматида ҳам кейинчалик қайсидир маънода такрорланишига ишора қилинади.

Асардаги Панжшер ака сийрати суратига мос бўлмаган шахс. У ўз хотини ва унинг севгилисини қатл этилишига бош сабабчи. У хотинининг айбларини қозига ошкор этган ночор кимса. У қаттол оломон қатори ўзининг ҳам гуноҳини Аллоҳдан сўраб олган Машрабни телба деб биладиган, ўзининг ногирон ақидаларига кўр-кўрона суянувчи ожиз банда. Тадқиқотда ҳикоядаги Машраб дунёқарашининг шаклланишида ана шу болалиқ воқеалари сабаб бўлганлиги кенг таҳлил этилган.

Иброҳим Ғафуровнинг “Бобораҳимнинг сариқ гуллари” ҳикоясидаги воқеалар Бобораҳимнинг муҳаббати мавзусига бағишланганлиги кенг ёритилган. Улуғ шоирлар шеърларини Машраб соатлаб ширали овоз билан ёд ўқиши, жаҳонгашталиги, билимдонлиги тасвирлангани таъкидланади.

¹³ Шукур Жаббор. Машраб. Ҳикоя // “Китоб дунёси” газ., 2018 йил 28 ноябрь. - № 22 (287). – Б. 6.

¹⁴ Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2006. – Б. 25.

Диссертацияда Машрабнинг Мажнунга рухан яқинлиги ҳикоядаги кўз ёш, кўзача, чорик акс этган тасвир орқали таҳлил этилган.

“Қиссаларда Бобораҳим Машраб образи” номли учинчи фаслда Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Бобораҳим Машрабнинг долғали воқеаларга тўла ҳаёт йўли ўзбек халқ қиссалари ва оғзаки ижодидаги ҳассос шоир билан боғлиқ айрим воқеалардан ҳам унумли фойдалангани ҳолда реалистик талқини яратилган. Ушбу ўринда ёзувчи “Ҳақиқий реалист санъаткор билан илмий методология ила қуролланган тарихчи маълум нуқталарда учрашувлари керак”¹⁵ деган фикрга амал қилади. Мутахассислиги тарихчи бўлган Миркарим Осим қиссада тасвирламоқчи бўлган ҳодисаларга ҳам тарихчи, ҳам ёзувчи нигоҳи билан ёндошади. Халқ китобларидаги бўрттирма, тўқима талқинлардан ҳоли реалистик талқин орқали бадиий ҳақиқатни яратади. Асар воқеалари Машрабнинг Қошғардан, Офокхожа эшон даргоҳидан Наманган шаҳрига, болалиги ўтган қишлоғига қайтиши билан бошланади. Миркарим Осим давр билан боғлиқ воқеалар занжирини ўзаро боғлай олади. Маълумки, “Бадиий ҳақиқат ҳаёт ҳақиқати, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг қўшилмасидир”¹⁶. Миркарим Осим ҳам ушбу қиссада Машраб образи билан боғлиқ бадиий ҳақиқатни китобхонга тақдим этади. “Ёри билан учрашув”га йўл олган Машраб ҳолати тонги табиат тасвири билан уйғун ифодаланади.

Миркарим Осим Машраб образини яратишда ўзбек халқ оғзаки ижоди манбаларидан самарали фойдаланади. Ёзувчининг афсоналар, ривоятлар асосидаги бўрттирма тасвирлардан кўра тарихий, ҳаётий воқеликларга таянган ҳолда қисса сюжетини такомиллаштиришни афзал билиши тўғри бўлган. Ушбу ўринда В.Г.Белинскийнинг қуйидаги фикрлари характерлидир: “Бирваракайига мухтасар ва тезоб, енгил ва айни пайтда теран бўлган повесть илдамлик билан бир воқеа ва ҳодисадан иккинчисига ўтади, ҳаётни майда-майда бўлақларга бўлиб, ана шу буюк ҳаёт китобидан айрим саҳифаларни суғуриб олади”¹⁷. Дарҳақиқат, Миркарим Осимнинг ушбу қиссасида ҳам Бобораҳим Машрабнинг олис тарих сўқмоқларининг чанг-ғуборлари остида кўринмай қолган долғали, тезкор ҳодисалар асосидаги ҳаёт йўлининг жанр табиатидан келиб чиқадиган сиқик ифодасини таъминлашда воқеаларни биридан иккинчисига ўтказишдаги илдамлик, зарур ўринларда саралаб ола билишлик маҳорати яққол кўзга ташланиб туради. Бобораҳимнинг Қошғарга кетар чоғидаги ҳолати табиат тасвири билан уйғун ифодаланади¹⁸. Шунингдек, қиссанинг “Ихлос тузоғи” қисмида Бобораҳимнинг Қошғарга Офокхўжа даргоҳига кириб боришидаги кўтаринки ҳолат ва шодон қиёфаси ҳам баҳор тасвири билан уйғунликда аксини топган. Машрабнинг Сўфи Оллоёр билан учрашуви тафсилотларига ҳам қиссада алоҳида ўрин ажратилган.

¹⁵ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўққиз томлик. Ўн тўртинчи том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 131.

¹⁶ Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 437.

¹⁷ Белинский В.Г. Адабий орзулар. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 218-219.

¹⁸ Миркарим Осим. Синган сетор. – Тошкент: O‘zbekiston НМИУ, 2012. – Б.194.

Қиссада Машрабнинг халқпарварлиги Хўжанд шаҳри ҳокими Окбўтабийдан бир талай бандиларни озод қилишини сўраб бунга эришишда кўринади. Қиссада саройбон томонидан Маҳмудбийнинг ҳокимиятни айёрлик ва риёкорлик билан қўлга киритиш тарихи батафсил ёритилади.

Миркарим Осим қиссалардаги Маҳмудхоннинг орадан уч кун ўтгандан кейин Машраб башорати амалга ошиб, ғойибдан овоз келиб, уй босиб вафот этганлиги воқеасига реалистик тус беради. Асарда шоир қатл этилганидан бир неча ой ўтиб Бухоро амири кўшин тортиб Балх ва Қундуз шаҳарларини эгаллагач Маҳмудхон ўзи яширинган шаҳар чеккасидаги кулбайи вайрона томи остида қолади. Бу эса Миркарим Осимнинг қиссадаги ҳар бир воқеага ҳаётий, ишонарли тус бериб, воқеликни тарихий ҳақиқатга мувофиқ бўлишига эътибор қаратганлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқинлари”** деб номланган. Бобнинг **“Лирик асарларда Бобораҳим Машраб сиймоси”** деб номланган биринчи фаслида Машраб образини Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек илк бор **“Машраб”** (1937) шеърисида акс эттирганлиги ёритилган. Жами саксон мисрадан ташкил топган ушбу шеърининг ҳар бир банди бешлик сатрларидан иборат бўлиб, 6+5 тарздаги ўн бир бўғинли вазнадир. Машраб ҳақида турли қарама-қарши фикрлар ҳукмрон бўлган, мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳақида ижобий фикр айтиш қалтис ҳисобланган шўро даврида унга бағишлаб асар яратишнинг ўзи жасорат эди. Шу боис Ойбек давр талабини ҳисобга олган ҳолда **“сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган йўсин”**да оловқалб, ҳақиқатпараст, халқпарвар, тиксўз шоир қиёфасини яратишга эришади.

Ойбек шеърисидаги **“Асрлар кўрмаган ажиб девона”**¹⁹ сатрларини яратишда **“Шоҳ Машраб қиссаси”**даги маълумотлардан таъсирланганлиги кўзга ташланади. Асардаги **“потила”, “кулоҳидан тошган жингалак сочлар”, “қора кучли нур сачраган махмур кўзлар”, “эски танбур”, “ямоқсиз ўрин қолмаган кўски пўстин”, “каттакон носқовоқ”** каби портрет-деталлар Машрабнинг дарвешона ва шоирона қиёфаси яратилишига хизмат қилган. А.Сабирдинов таъкидлаганидек, **“Машраб”** шеърисида Ойбек **“Буюм орқали, ташқи тафсиллар орқали Машрабнинг маънавий оламига кириб боради. Унинг касбига, қилиқларига, ички оламига ва ташқи қиёфасига хос чизгиларни тасвирлаш жараёнида у яшаган даврнинг аниқ манзарасини гавдалантиришга эришади”**²⁰. Шеърда бир қарашда ташқи қиёфага хос белгилар акс эттириляётгандек туюлса-да, аслида ушбу чизгилар воситасида Машраб сажиясига хос жиҳатлар ўз ифодасини топган.

Тадқиқотда Машраб характеридаги некбинлик, гўзалликка ташналик, бойликка қизикмаслик, ўтин қаловга эпчиллик, олов ва дудни севиши, кафтида чўғларни ўйнаши, қаландарона ҳаётда тобланишлик, хуш овоз соҳиби, соз чалишнинг устаси эканлиги мисоллар асосида ёритилган.

¹⁹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўққиз томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 63.

²⁰ Сабирдинов А. Ойбек шеърисидеги сўз ва образ. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 9.

Хуллас, Ойбек Машрабнинг оддий, халқпарвар, ҳақиқатгўй шоир, санъаткор сифатидаги қиёфасини гавдалантиради. Унинг қаландарона ҳаёти, бу дунё ҳашамларига нафрати ҳаққоний ёритилгани асар муваффақиятини белгиловчи жиҳатлардандир. Ушбу шеър тарихий сиймоларимиздан бўлган Машрабни халқимизга таништириш йўлидаги илк асар сифатида қимматлидир.

Омон Матжоннинг “Бу – Машраб, Машраб!” (1992)²¹ шеъри Машраб мадҳи орқали бетакрор истеъдод соҳиби қиёфаси ўзига хос тарзда гавдалантирилади. Шеърнинг дастлабки бандида Қуръон оятларини моҳирлик билан қироат этувчи, ғазалларни ёқимли овоз билан куйловчи, шеърятти бетакрор бўлган Машраб сиймоси акс этган. Ҳар банди олти сатрдан иборат бўлган ўн бандли шеърда Машрабдаги камтаринлик, оддийлик, миллатпарварлик, халқпарварлик фазилатлари улуғланади. Шеърда қасидаларга хос кўтаринки талқин усули етакчилик қилади. Машраб тасвири баҳонасида шоир юртимиз тарихига – беклар ўртасидаги бирлик йўқолиб Темурийлар хонадони пароканда бўлган даврга ҳаёлан саёҳат қилади. Улуғ шоир талқини орқали мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги мураккаб вазиятга ишора этади. Турли гуруҳлардан нифокни кўтаришни, гумроҳ тўполонларга барҳам беришни Машраб руҳидан сўрайди. Омон Матжон Машраб образи талқини орқали даврнинг долзарб муаммоси – ижтимоий адолат, бирлик ғояларини ифодалашга эришади.

Анвар Обиджоннинг “Бобораҳим Машраб”²² (1974) шеъри ҳажман ўттиз етти сатрдан иборат. Шеърнинг ҳар бир банди бешлик асосида бўлиб дастлабки сатрлар XVII–XVIII асрларнинг ўзига хос ижтимоий манзарасини чизиш билан бошланади.

Шеърдаги фикр бошдан-оёқ Машраб нутқи орқали баён этилган. “Зар эзгуликни ифбат булғаган” замонда, ҳақиқат занжирбанд бўлганида адолат ўз сўзини айтолмайди. Бундай ҳолда ўғрилар амалдор ниқобини кийиб олиб, куппа-кундузи эл-юртни талайди. Халқни ҳимоя қилмоқчи бўлган чин фарзандларни эса улар телбага чиқарадилар, ҳатто мавҳ этадилар. Лекин унинг минглаб ялангоёқ издошларини йўқота олмайдилар.

Анвар Обиджон “Машраб дор остида”²³ (1975) шеърида яна улуғ шоир образига мурожаат қилади. Шеърда халқ дарди учун жонини фидо қилган улуғ шоирнинг қиёфасини ўн сатрдан иборат бўлган талқинда акс эттиришга эришади. Машраб “мард ва ночор дўстлар”ига ўз ўлимини ғам чекиб эмас, қаҳ-қаҳ урганларича, шодон кузатишларини сўрайди. У “Мотамсаро турманг жим, Қаранг, мен ҳам куляпман”, дея хитоб қилади. Чунки дўстларининг кулгуси “зил дард”дан унинг қалбини халос этади. Машрабнинг ягона тилаги ўлим олдида яйраб кулган халқини бир марта бўлса-да кўриб қолиш. Бу фақат халққа жабру жафо келтирган мустамлакачилик сиёсатига бўлган

²¹ Омон Матжон. Иймон ёғдуси. Сайланма. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 13.

²² Anvar Obidjon. Tanlangan she'rlar 2. – Toshkent: SHARQ nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2014. – B. 326.

²³ Anvar Obidjon. Tanlangan she'rlar 2. – B. 36.

айбномадек жаранглайди. Шеърда Бобораҳим Машраб ўлимга тик боқувчи, кўркмас шахс сифатида ҳам талқинини топган.

Бобнинг “Достонларда Бобораҳим Машраб қиёфасининг акс этиши” тадқиқига бағишланган иккинчи фаслида Муҳаммад Алининг “Машраб” (1966), Минҳожиддин Мирзонинг “Қайғу гули” (1990), Тўлан Низомнинг “Руҳи равоним” (1993) достонлари таҳлилга тортилган.

XX аср ўзбек шеърлятида Муҳаммад Алининг “Машраб”²⁴ достони ўзига хос сюжет қурилиши, композицияси, банд тизими, ифода усули ва воситалари билан ажралиб туради. Достонда ўсмир Бобораҳим Машрабнинг Намангандан Қашқарга – машҳур Офокхўжа эшон даргоҳига йўл олиши, унинг пирга назир этилган Гулгунга ошиқ бўлиб унинг ҳам севгисига сазовор бўлиши тасвирланади. Бу ҳолдан хабар топган Офокхўжа эшон эса Машрабни аёвсиз жазолаб даргоҳидан қувади. Сўнг Машрабнинг қаландарлар тўдаси билан Балхга келиши ва Маҳмудбий ғзабига учраб дорга тортилиши воқеалари баён этилган. Достоннинг ҳар бир банди саккиз сатрдан иборат бўлиб, икки қўшиқдан иборат. Қўшиқларнинг ҳар бири қирк беш банддан ташкил топган. Маълумки, қозоқ адабиёти намояндаси Абай Қўнанбоев томонидан халқ шеърлятининг нозик ритмик имкониятларидан фойдаланиб яратилган ва ўзига хос қофияланиш тизимига эга бўлган, ҳар банди саккиз мисрадан ташкил топган шеър шакли бор... Абай ўзи кашф этган бу шеърлий шаклда “Сегіз аяқ” номли асарини ҳам ёзган бўлиб, Абай шеъри баъзан шу ном билан ҳам юритилади²⁵. Муҳаммад Али қозоқ шеърлятидаги ана шу бандланишга янгича ёндашади ва ўн бир ҳижодан иборат саккиз сатрли банд тизимидан фойдаланади. Муаллифнинг ранглар воситасидаги фалсафий фикрлари ифодаси достоннинг биринчи қўшиқ ўнинчи, йигирма олтинчи, иккинчи қўшиқнинг йигирма олтинчи, қирк бешинчи бандларида ифодаланган. Достонда талқинини топган оқ ва қора ранг билан боғлиқ тимсоллар ҳақиқат ва ёлғон, адолат ва адолатсизлик, ҳаёт ва ўлим, умид ва сароб зиддияти ифодасида муҳим ўрин тутган.

Достондаги Машраб, Гулгун (гарчанд исми бадий тўқима маҳсули бўлса-да), Офокхўжа эшон, Маҳмудбий тарихий, Мардон, Холтой, Шер, Мамасоли, Карим арқончи бадий тўқиманинг маҳсули бўлган образлардир. Асарда Бобораҳим характерига хос жиҳатлар биринчи қўшиқнинг еттинчи, саккизинчи, ўттиз тўққизинчи, қирқинчи, қирқ биринчи, қирқ иккинчи, қирқ учинчи, иккинчи қўшиқнинг ўттиз иккинчи, ўттиз учинчи, ўттиз тўртинчи, ўттиз бешинчи бандларидаги тасвир ва диалогларда ўз ифодасини топгандир.

Адабиётшунос А.Тангировнинг қуйидаги сўзлари достонга хос бўлган яна бир жиҳатни ёритишга хизмат қилган: “Ижодкор ҳеч вақт табиат ҳодисалари моҳиятини ўзгартира олмайди. Объектив борлиқда табиат ҳодисалари қай тарзда юз берса, бадий талқинда шундайлигича сақлаб қолишни талаб этади. Шу боисдан ҳам ижодкорлар табиатнинг муайян жиҳатларини танлаб олади ва уларни ўзи тасвирлаётган воқеаларни

²⁴ Муҳаммад Али. Достонлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б. 63-103.

²⁵ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 17.

тўлдиришга, қиёслашга хизмат қилдиради. М.Али ҳам “Машраб” достонининг иккинчи бобида ҳудди ана шу йўлдан боради. Машрабга хос ҳаёлпарастликни талқин этишда чўлнинг бепоёнлигидан фойдаланади. Зеро, инсон ҳаёли ҳам чексизликнинг ёрқин бир кўринишидир”²⁶. Дарҳақиқат А.Алимбеков таъкидлаганидек “Муҳаммад Али талқинида, Машраб, даставвал даҳрий ҳам эмас, мутаассиб диндор ҳам, ҳаётнинг паст-баландини бошқалардан кўра яхшироқ англаган, оқ билан қорадан яралган дунёда ҳақ(истина)ни кидирган, моддий ва маънавий дунёни англашда, кўкда Худони, ерда ўзинигина тан олган, Ҳақ билан ўзининг ўртасида ҳеч қандай воситачини кўришни истамаган зукко шоир, мутасаввуф олим...”²⁷. Диссертацияда шоирнинг пароним сўзлар, шеърий санъатлардан, турли тасвирий воситалардан моҳирлик билан фойдаланиб ифода равлонлиги ва аниқлигини таъминлаш маҳорати ёритилган.

Минҳожиддин Мирзонинг “Қайғу гули”²⁸ достонининг иккинчи номи “Девонаи Машраб сийратига сайр” деб аталган. Достон шоир, девонаи Машраб, фаришта, етти фаришта, иблис диалоглари воситасидаги воқелик асосига қурилган. Эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги азалий зиддият, Аллоҳ томонидан муқаррам этилган Одам авлодларининг бора-бора ҳақни унутиб, нафс ботқоғига ботиши, бир-бирига чоҳ қазиб Иблис измига тушиши, бу йўлдан қайтмаса, охир-оқибат таназзулга юз буриши муқаррарлиги девонаи Машраб, фаришта, шоир суҳбатларида аён бўлади. Маълумки, ўзбек ва жаҳон адабиётида Иблис образи акс этган асарлар талайгина. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”²⁹ асарида ушбу образ ҳақида маълумот берилган.

Достон воқеаларида Машраб етти бор намоён бўлади. Ушбу образ асар воқеалари давомида инсоннинг мураккаб олами, ўзгарувчан қиёфаси ҳақидаги фалсафий фикрлар ифодаси учун хизмат қилади. Ушбу достон Абдурауф Фитратнинг “Шайтонинг тангрига исёни”³⁰ асари таъсирида яратилганлиги воқеалар муштараклиги, образлар талқинидаги ҳамоҳангликда кўринади.

Тўлан Низомнинг “Руҳи равоним”³¹ достони муқаддимасида муаллифнинг Машраб сиймоси тасвирига бағишланган ўтли сатрлари ўрин олган. Достоннинг иккинчи қисмида шоирнинг Машраб қабрини зиёрат қилиш учун Балхга бориш тафсилотлари берилган. Асарнинг “Кенглик аро” бўлимида чўл табиатининг тунги бетакрор манзараси мароқ билан чизилади. Достонда Машрабни севиб қолган қиз қиёфаси кенг тасвирланади. Талқинга кўра Машраб у қизни севмаган. Уни Аллоҳга бўлган ишқгина банд этган. Қизни севган Шаҳоб эса рашк оқибатида Машрабга тухмат уюштиради.

²⁶ Тангиоров А. Ҳозирги замон достончилигида тарихий воқелик ва шахс талқини: Фил.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1995. – Б. 66.

²⁷ Алимбеков А. Юлдузнинг беш қирраси. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 141.

²⁸ Минҳожиддин Мирзо. Юлдузим. Шеър ва достонлар. – Тошкент: Ғ.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 174.

²⁹ Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 13-14.

³⁰ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1 жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 220-231.

³¹ Тўлан Низом. Сайланма. – Тошкент: ШАРҚ нашриёт-матбаа концернини бош таҳририяти, 1998. – Б. 248.

Натижада, Офок Хўжа вазирлари Боқи ва Соқи буйруғи билан Машрабга юз дарра урилади. Сўнг унинг бўйнидаги томирга қизиган муҳр босилиб ногирон ҳолга келтирилади. Муаллиф талқинига кўра Офок Хўжа бу ишлардан кейин хабар топади. Вазирлар эса ёлғон сўзлаб Машраб ўзини-ўзи ихтиёрий абгор қилганлигини, шу орқали тарки дунё қилиб, қусурлардан қушод бўлганлигини сўзлайдилар. Уларнинг бу сўзларига Офок Хўжа ҳам осонгина ишона қолади. Аслида катта қудратга эга бўлган ҳукмдорнинг рухсатисиз улар мустақил тарзда бу ишни амалга оширолмас эдилар. Гўё бу билан муаллиф Офок Хўжани ҳам барча айблардан озод қилмоқчи бўлади. Достоннинг “Зиёрат” қисмида Туркистонга бориб Машрабнинг Аҳмад Яссавий қабрига йиғлаган ҳолда тавоб этиши ҳам халқ қиссаларидаги талқинга зиддир.

